

АЛГОРИТМИК БОШҚАРУВ ШАРОИТИДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ

Исабаев Акмалжон Ташабаевич

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Конституциявий қонунчиликни таҳлил қилиш бўлимининг Бош консультанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22683588>

Qabul qilindi: 1-sentabr 2026-yil • Ma'qullandi: 9-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 10-sentabr 2026-yil

Аннотация.

Мақолада мурожаатларни автоматлаштирилган қайта ишлаш шароитида мурожаат қилиш ҳуқуқининг ҳуқуқий мазмуни тадқиқ этилган. Тадқиқот мақсади - мурожаатчининг шахсий маълумотлари хавфсизлиги ва автоматлаштирилган қарорга нисбатан процессуал кафолатлари ушбу ҳуқуқнинг таркибий унсурлари сифатида асосланиши мумкинлигини аниқлашдан иборат. Методология норматив-догматик, тизимли-функционал ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлилга асосланади; қиёс функционал эквивалентлик мезони бўйича танланган тўртта юрисдикция (Германия, Эстония, Жанубий Корея, Сингапур) материалида беш мезон кесимида олиб борилган.

Натижалар. Биринчидан, мурожаат қилиш ҳуқуқининг анъанавий икки таркибий қисмдан иборат тузилмаси автоматлаштирилган қайта ишлаш шароитида етарли эмаслиги аниқланди: маълумотлар хавфсизлиги ва изоҳланувчанлик кафолатларисиз ушбу ҳуқуқ шаклий тусга айланади. Иккинчидан, процессуал кафолатлар фақат яқуний қарорга эмас, балки мурожаатнинг ҳаракатини белгиловчи автоматлаштирилган оралиқ баҳолаб нисбатан ҳам қўлланилиши лозимлиги асосланган; ушбу ҳулоса Европа Иттифоқи Судининг C-634/21 (SCHUFA) иши бўйича талқини билан мувофиқ келади. Учинчидан, қиёсий таҳлил кўрсатдики, назорат воситасининг мажбурий эмаслиги унинг техник мукамаллигидан қатъи назар ҳуқуқий самарани йўққа чиқаради, мустақил назорат органи мавжуд бўлмаган юрисдикцияларда эса назоратни бевосита ҳуқуқ эгасига берувчи модель (Эстониянинг Data Tracker хизмати каби) энг реал ечим ҳисобланади.

Оригиналик. Ишда мурожаат қилиш ҳуқуқининг процессуал ўлчами мустақил тадқиқот предмети сифатида шакллантирилган, тўрт босқичли ҳимоя модели ишлаб чиқилган ва қонунга қиритиш учун норма лойиҳаси тақлиф этилган.

Калит сўзлар:

мурожаат қилиш ҳуқуқи, автоматлаштирилган қарор қабул қилиш, шахсга доир маълумотлар, алгоритмик ҳисобдорлик, изоҳланувчанлик, процессуал кафолатлар, рақамли конституционализм, кибер-таъқиб, рақамли давлат бошқаруви.

1. Кириш

Давлат бошқарувини рақамлаштириш жараёни фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш соҳасида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мурожаатлар оқимининг ҳажми ва уларни кўриб чиқиш муддатларига қўйилган қатъий талаблар давлат органларини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва йўналтириш жараёнларини автоматлаштиришга объектив

равишда ундамоқда. Ҳозирги босқичда автоматлаштириш асосан процессуал операцияларни - идентификация, рўйхатга олиш, идорага йўналтириш ва муддат назоратини - қамраб олган.

Айни пайтда халқаро тажриба кўрсатадики, автоматлаштиришнинг келгуси босқичи одатда мазмуний баҳолаш элементларини - мурожаатларни устуворлик даражасига ажратиш, такрорийликни аниқлаш ва мавзу бўйича таснифлашни - ўз ичига олади. Айнан шу босқичда мурожаатчининг ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатувчи автоматлаштирилган баҳолаш юзага келади: шахснинг маълумотлари асосида уни муайян тоифага киритиш (алгоритмик дискриминация), маълумотлар базаларидан ноқонуний фойдаланиш орқали шахсий маълумотларни ошкор қилиш, ҳамда мурожаат қилганлик сабабли шахсни доксинг, кибер-таъкиб ёки бошқа рақамли босим шаклларида дучор этиш хавфлари шаклланади. Мазкур тадқиқот ушбу босқичдан олдин, яъни *ex ante* тартибда ҳуқуқий кафолатларни шакллантириш зарурлигидан келиб чиқади.

Муаммонинг ҳуқуқий ўлчови шундаки, амалдаги қонунчилик – “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ва “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунлар - ҳар бири ўз предмети доирасида амал қилади, лекин уларнинг кесишган нуқтасида, яъни айнан мурожаат жараёнида юзага келадиган рақамли хавфларга нисбатан махсус, комплекс тартибга солиш мавжуд эмас. Р. Калонинг кўрсатишича [1], сунъий интеллект технологиялари маъмурий ҳуқуқ учун тубдан янги муаммо туғдиради: анъанавий ҳуқуқий категориялар - ваколат, жавобгарлик, назорат - автоматлаштирилган қарор қабул қилиш тизимларига нисбатан тўғридан-тўғри татбиқ этилавермайди, бу эса мавжуд бўшлиқларни доктринал жиҳатдан янгидан концептуаллаштиришни талаб қилади.

1.1. Илмий адабиёт ҳолати ва тадқиқот бўлиши

Мазкур мавзу бўйича илмий адабиётни учта мустақил йўналишга ажратиш мумкин. *Биринчи йўналиш* - автоматлаштирилган маъмурий қарорларнинг процессуал легитимлиги муаммоси: Д. К. Ситрон технологик адолатли муҳокама (technological due process) концепциясини ишлаб чиққан [2], К. Кроуфорд ва Ж. Шульц уни катта ҳажмдаги маълумотларга асосланган предиктив тизимларга нисбатан кенгайтирган [3], Ф. Паскуале эса алгоритмик ҳисобдорликнинг институционал шартларини таҳлил қилган [4].

Иккинчи йўналиш - маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқининг рақамли муҳитдаги мазмуни: Ж.Э.Коэн ва Н.Ричардс хусусийликнинг шахс автономияси билан боғлиқлигини [5; 6], Х.Ниссенбаум контекстуал яхлитлик тамойилини, Ш. Зубофф эса маълумотлар тўпланишининг ҳокимият муносабатларига айланиш механизмини кўрсатган [8]. *Учинчи йўналиш* - рақамли муҳитдаги таъкиб ва унинг ҳуқуқий квалификацияси, бу ерда Д. К. Ситроннинг кибермуҳитдаги нафрат жиноятлари бўйича тадқиқоти асосий манба ҳисобланади [9].

Ушбу уч йўналиш бир-биридан мустақил ривожланган ва уларнинг ҳар бири ўз объектига эга: биринчиси - қарорнинг адолатлилиги, иккинчиси - маълумотнинг ҳимояси, учинчиси - шахснинг рақамли хавфсизлиги. Уларнинг кесишув нуқтаси - яъни фуқаро давлатга мурожаат қилиш орқали ўзи ҳақидаги маълумотни ихтиёрий равишда давлат тизимига топширадиган ва айнан шу ҳаракат туфайли ҳам маъмурий, ҳам таъкиб хавфига очик бўлиб қоладиган вазият - мустақил тадқиқот предмети сифатида шакллантирилмаган.

Бу тасодифий эмас: халқаро адабиёт асосан Европа Иттифоқи ва АҚШ материалига таянади, у ерда мурожаат институти алоҳида процессуал аҳамиятга эга эмас ва одатда сўров эркинлиги ёки умумий маъмурий процедура доирасида кўриб чиқилади. Ўзбекистон ва МДХ ҳуқуқий тизимларида эса мурожаат қилиш ҳуқуқи мустақил конституциявий ҳуқуқ ҳисобланади ва фуқаронинг давлат билан алоқасининг асосий шакли вазифасини бажаради. Шу боис мазкур ҳуқуқнинг рақамли муҳитдаги процессуал ўлчами махсус илмий таҳлилни талаб қилади.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот муаммоси қуйидагича шакллантирилади: мурожаатчининг шахсий маълумотлари хавфсизлиги ва кибер-таъкибдан ҳимояланиши мурожаат қилиш ҳуқуқининг мустақил кафолати сифатида ҳуқуқий жиҳатдан қандай асосланиши мумкин ва мустақил маълумотларни ҳимоя қилиш назорат органи мавжуд бўлмаган институционал шароитда бундай кафолатлар қайси механизмларга лангарланиши лозим.

1.2. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва мавжуд концепциялардан фарқи

Автоматлаштирилган маъмурий қарорларни ўрганишда Д. К. Ситроннинг технологик адолатли муҳокама концепцияси [2] анъанавий ҳуқуқларнинг техник архитектура даражасида таъминланиши зарурлигини асослаган. Мазкур тадқиқотнинг ундан фарқи учта жиҳатда намоён бўлади. *Биринчидан*, объект хос: мурожаат қилиш ҳуқуқи бошқа маъмурий процедуралардан фарқ қилади, зеро бу ерда фуқаро давлат фаолиятига нисбатан танқидий позицияни расмий равишда қайд этувчи субъект сифатида чиқади. Бу шахсни фақат маъмурий эмас, балки таъқиб хавфига ҳам очиқ қилади.

Иккинчидан, мазкур тадқиқот процессуал қафолатларни маълумотлар хавфсизлиги ва кибертаъқибдан ҳимоя билан ягона конструкцияга бирлаштиради. Ушбу ишда улар мурожаат қилиш ҳуқуқининг ягона таркибий қафолати сифатида боғланади ва шу асосда бузилишнинг ҳар қандай босқичида ишлайдиган узлуксиз ҳимоя занжири шакллантирилади.

Учинчидан, тадқиқот ушбу конструкцияни Европа Иттифоқи ҳуқуқий муҳитидан фарқли шароитга - умумий маълумотларни ҳимоя қилиш регламенти (GDPR) ва мустақил назорат органи мавжуд бўлмаган юрисдикцияга татбиқ этади. Таклиф этилаётган модель қафолатларнинг институционал лангарлаш усулини ўзгартиради: назорат функцияси мустақил маълумотлар агентлиги ўрнига мавжуд конституциявий ва суд назорати механизмларига ҳамда ҳуқуқ эгасининг ўзига боғланади.

2. Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тўртта метод изчил қўлланилган. Норматив-догматик метод миллий қонунчиликнинг - Конституция, мурожаатлар, шахсга доир маълумотлар ва киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунлар нормалари мазмунини аниқлаш ва улар ўртасидаги тартибга солиш узилишларини қайд этиш учун ишлатилди [17; 35; 36]. Тизимли-функционал метод ҳимоя қафолатларини бузилишнинг ҳар қандай босқичида ишлайдиган узлуксиз занжир сифатида моделлаштириш имконини берди.

Қиёсий-ҳуқуқий метод тўртта юрисдикцияга нисбатан қўлланилди. Германия ушбу назоратни тўғридан-тўғри маъмурий процедура қонунчилигида мустаҳкамлаган йирик континентал юрисдикция сифатида; Эстония - фуқарога ўз маълумотларидан фойдаланиш устидан индивидуал назорат воситасини техник даражада берган давлат сифатида; Жанубий Корея - мустақил маълумотларни ҳимоя қилиш комиссиясига давлат идоралари устидан аудит ваколати берилган давлат сифатида; Сингапур - алгоритмларни баҳолашнинг ихтиёрий модели қўлланилаётган контраст ҳолат сифатида танланди.

Солиштириш асоси (*tertium comparationis*) сифатида бешта мезон белгиланди: (1) автоматлаштирилган қарор қабул қилишни чекловчи норманинг ҳуқуқий кучи; (2) изоҳланувчанлик талабининг мажбурийлиги; (3) фуқаронинг ўз маълумотларидан фойдаланиш устидан назорат воситасининг мавжудлиги; (4) назорат органининг мустақиллик даражаси ва аудит ваколати; (5) қафолат бузилганда зарарни қоплаш механизмнинг амалда ишлаши. Ушбу мезонлар бўйича таҳлил натижалари 1-жадвалда умумлаштирилган.

3. Эмпирик асос ва тадқиқот материаллари

Тадқиқотнинг эмпирик базасини учта манбалар гуруҳи ташкил этади. *Биринчи гуруҳ* - Ўзбекистон Республикасида электрон мурожаатлар оқимининг очиқ статистикаси. Мурожаатлар билан ишлаш ягона порталининг (murojaat.gov.uz) жамланма ҳисоблагичига кўра, 2026 йил 4 сентябрь ҳолатига тизимда 11 832 941 та мурожаат қайд этилган. Ушбу кўрсаткич автоматлаштиришга бўлган объектив эҳтиёжни миқдорий жиҳатдан асослайди: мурожаатлар оқими шундай ҳажмга етдики, уни тўлиқ қўлда саралаш ва йўналтириш жисмонан имконсиз бўлиб, автоматлаштиришни ташкилий заруратга айлантиради. Мазкур рақам платформанинг жонли ҳисоблагичидан олингани сабабли вақт ўтиши билан ўзгаради ва у миқдорий таҳлил учун эмас, институционал эҳтиёжни кўрсатувчи концептуал далил сифатида келтирилмоқда.

Иккинчи гуруҳ - мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартибини белгилувчи идоравий норматив ҳужжатлар ва тизим регламентлари таҳлили. Ҳозирги босқичда идентификация (OneID тизими орқали), рўйхатга олиш ва муддат назорати тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, навбатдаги босқичда мурожаатларни мазмуний таснифлаш ва такрорийликни автоматик аниқлаш элементлари жорий этилмоқда.

Учинчи гуруҳ - хорижий юрисдикцияларда ҳужжатлаштирилган ва суд назорати орқали баҳоланган учта эталон ҳолат: Нидерландиядаги SyRI рискларни баҳолаш тизимининг Гаага суди томонидан ИЕХК 8-моддасига зид деб топилгани [10], Нидерландиядаги болалар нафақаси иши (toeslagenaffaire) [50] ҳамда Австралиядаги Robodebt дастури инкирози [49]. Ушбу ҳолатлар контроль материал вазифасини бажаради: улар процессуал кафолатлар бўлмаганда алгоритмларнинг инсон тақдирига қандай салбий таъсир кўрсатишини эмпирик тарзда исботлайди.

4. Назарий асос: инсон қадри ва рақамли конституционализм

Мазкур тадқиқотнинг методологик негизини инсон қадри конституциявий тамойили ташкил этади. А. Баракнинг кўрсатишича [11], инсон қадри конституциявий қиймат сифатида ҳар бир алоҳида ҳуқуқнинг мазмунини белгилайди ва уларнинг чекланиш чегарасини аниқлайди. Германия конституциявий доктринасида шаклланган “объект формуласи”га кўра, инсон давлат ҳаракатининг шунчаки объектига, яъни бошқарув жараёнининг предметиға айлантирилиши мумкин эмас. Агар алгоритм мурожаатчини индивидуал вазияти ҳисобга олинмаган ҳолда, фақат маълумотлар мажмуи сифатида баҳоласа, шахс маъмурий жараённинг субъектидан унинг объектиға айланади.

Инсон қадри тамойилининг рақамли муҳитдаги ифодаси сўнгги йилларда рақамли конституционализм (digital constitutionalism) концепцияси доирасида тизимлаштирилмоқда. Э. Селесте [40] ушбу йўналишни конституциявий қадриятларни рақамли муҳит шароитига мослаштирувчи меъёрий ҳаракат сифатида назарий асослайди; Ж. Де Грегорио [41] эса уни Европа ҳуқуқи мисолида алгоритмик жамиятда ҳокимият ва ҳуқуқлар мувозанатини қайта белгилаш вазифаси сифатида таҳлил қилади. Мазкур тадқиқотда ушбу концепция ташқи ахборот хавфсизлиги масаласи билан чекланмайди: у давлатнинг фуқаро билан рақамли мулоқотининг процессуал легитимлигини ҳам қамраб олиши лозимлигидан келиб чиқилади.

4.1. Алгоритмик легитимлик муаммоси

Халқаро адабиётда “алгоритмли бошқарув” (algorithmic governance) давлат қарорларини қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган тизимлар орқали қабул қилиш амалиётини англатади. Э. В. Талапинанинг кўрсатишича [12], бундай тизимлар инсонга нисбатан эҳтимолий баҳо беради, бу эса адолатли муҳокама ҳуқуқини бузиши ва яқка тартибда баҳолашни (индивидуализацияни) инкор этиши мумкин. К. Йенг таклиф этган таснифга кўра [13], бундай тизимлар анъанавий ҳуқуқий назорат воситалари учун жиддий чақирув ҳисобланади.

Л. Лессигнинг машҳур формуласига кўра [14], рақамли муҳитда фуқаро хатти-ҳаракатини дастлаб ва кўпинча ёзма норма эмас, балки дастур коди (Code is Law) чекловчи воситаға айланади. Конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан, алгоритм давлат ҳокимиятининг функциясини амалга ошираётган экан, у ҳам Конституциянинг қонунийлик ва мутаносиблик тамойилларига тўлиқ бўйсунитиши шарт.

4.2. Шаффофлик ва ҳисобдорлик: доктринал баҳс

Ф. Паскуале “қора кути жамияти” концепциясида [4] автоматлаштирилган тизимларнинг ички мантиғи ёпиқ қолиши демократик ҳисобдорлик тамойилини издан чиқаришини кўрсатади. Э. В. Талапина алгоритм шаффофлигини [15] давлат бошқарувида СИ этикасининг марказий йўналиши сифатида баҳолайди. Аммо М. Ананни ва К. Кроуфорд [16] шаффофлик идеалининг чекловларини кўрсатиб, коднинг шунчаки эълон қилиниши ҳисобдорликни ҳосил қилмаслигини асослайдилар. Мурожаатлар тизимида тизимнинг умумий мантиғи мустақил аудит субъектиға очик бўлиши, фуқароға эса индивидуал тушунтириш берилиши мувозанатли ечим ҳисобланади.

5. Мурожаат қилиш ҳуқуқи ва шахсга доир маълумотларнинг ҳуқуқий режими

5.1. Мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида мустаҳкамланган мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари тизимида иккиёклама аҳамиятга эга. Ўз навбатида, Конституциянинг 31-моддаси ҳар кимга шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шахсга доир маълумотлари муҳофаза қилиниши ҳуқуқини кафолатлайди. О. Т. Хусанов таъкидлаганидек [18], конституциявий ҳуқуқлар давлатнинг фаол таъминлаш (позитив) мажбуриятини ҳам ўз ичига

олади. А. Б. Гафуров таъкидлаганидек [19], давлат институтларини рақамлаштиришнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлайдиган самарали давлат бошқарувини шакллантиришдир.

5.2. Электрон мурожаатнинг ҳуқуқий хусусиятлари

Электрон мурожаат рақамли из (digital footprint) билан бирга келади. А. Д. Гофуров кўрсатишича [20], рақамлаштириш жараёни стандартлаштиради, бироқ йиғиладиган маълумотлар ҳажмини кескин оширади. В. Мейер-Шёнбергер ва К. Кукъернинг кўрсатишича [21], катта ҳажмдаги маълумотлар алоҳида зарарсиз кўринган далиллардан янги хулосалар чиқариш имконини беради. Х. Ниссенбаумнинг контекстуал яхлитлик концепцияси бўйича [7], маълумот бир контекстда йиғилиб, бошқа контекстда (шахсни профиллаштиришда) ишлатилса, хусусийлик тамойили бузилади.

5.3. Халқаро стандартлар

Халқаро ҳуқуқий асос Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддаси [22] ва Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 17-моддасига [23] таянади. БМТ Бош Ассамблеясининг 68/167 ва 69/166-сонли резолюциялари офлайн муҳитдаги ҳуқуқлар онлайн муҳитда ҳам бир хил ҳимояга эга бўлиши тамойилини белгилайди [24; 25]. Европа Кенгашининг 108+ Конвенцияси эса шахснинг автоматлаштирилган қарорга бўйсунмаслик ва унинг мантиғини билиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бу борадаги умумий тамойиллар OECD ҳужжатларида ҳам акс этган [27].

6. Алгоритмик хавфларнинг ҳуқуқий таснифи

6.1. Алгоритмик дискриминация ва изоҳланувчанлик муаммоси

Мазкур тадқиқотда изоҳланувчанлик (инг. explainability, рус. объяснимость) деганда автоматлаштирилган тизим томонидан шакллантирилган баҳо ёки қарорнинг мурожаатчига унинг ўзи тушуна оладиган ва ҳуқуқини амалга ошириш учун фойдалана оладиган шаклда асослаб берилиши тушунилади. Изоҳланувчанликни шаффофликдан фарқлаш зарур: шаффофлик тизимнинг умумий тузилиши ва мантиғини мустақил аудит субъектига очишни англатса, изоҳланувчанлик айнан муайян шахсга нисбатан қабул қилинган яқка қарорнинг асосларини очиб беришни талаб қилади. М. Ананни ва К. Кроуфорд [16] кўрсатганидек, коднинг шунчаки эълон қилиниши ҳисобдорликни ҳосил қилмайди; шу боис шаффофлик зарур, лекин етарли шарт эмас.

Ҳуқуқий мазмун жиҳатидан изоҳланувчанлик учта унсурни қамраб олади: натижага олиб келган ҳал қилувчи омилларни кўрсатиш; ушбу омилларнинг натижа билан боғланиш мантиғини баён этиш; ҳамда натижа ўзгариши мумкин бўлган шартларни англатиш. Сўнгги унсур С. Вахтер, Б. Миттелштадт ва К. Расселл [28] таклиф этган контрфактик изоҳлар методида ифодаланади ва тизимнинг ички коди очилмаган ҳолда ҳам шахсга эътироз билдириш учун реал асос беради. А. Селбст ва Ж. Поулс [29] эса шахс ўз ҳуқуқини амалда амалга ошира олиши учун етарли бўлган «мазмунли ахборот» стандартини илгари суради.

Изоҳланувчанликнинг халқаро-ҳуқуқий асоси Европа Кенгашининг 108+ Конвенцияси [26] билан белгиланган: шахс ўзига нисбатан қўлланилган автоматлаштирилган ишловнинг мантиғини билиш ҳуқуқига эга; умумий маълумотларни ҳимоя қилиш регламентида [32] бу талаб «ишлов мантиғи тўғрисидаги мазмунли ахборот» формуласи орқали ифодаланган. Қитъа маъмурий ҳуқуқида ушбу талаб янги эмас - у маъмурий актни асослантириш мажбуриятининг (Германия VwVfG § 39 [42]) рақамли муҳитдаги давомидир. Бизнинг фикримизча, айнан шу узвийлик изоҳланувчанликни мурожаат қилиш ҳуқуқининг ташқи техник шarti эмас, балки унинг процессуал таркибий унсури сифатида қараш имконини беради.

Мурожаатлар контекстида алгоритм мурожаатчини олдинги тарихи асосида автоматик «муаммоли» тоифага киритса, бу яширин дискриминацияга олиб келади. Изоҳ олиш ҳуқуқи бўйича С.Вахтер, Б.Миттелштадт ва К.Расселл контрфактик изоҳлар методи таклиф қиладилар, А.Селбст ва Ж.Поулс эса «мазмунли ахборот» олиш ҳуқуқини ҳимоя қиладилар. Европа Иттифоқи Судининг SCHUFA иши бўйича 2023 йил 7 декабрдаги қарорида (Case C-634/21) [30] автоматлаштирилган оралик баҳолашлар ҳам агар якуний қарорга ҳал қилувчи таъсир кўрсатса, процессуал кафолатлар қамровига кириши белгиланди.

SCHUFA иши бўйича берилган талқинни мурожаат институтига кўчиришда унинг чегарасини очиқ белгилаш зарур. Европа Иттифоқи Судининг ушбу қарори кредит скоринги ва

GDPR 22-моддаси контекстида қабул қилинган ва фуқаро мурожаати институтига тўғридан-тўғри қўлланилмайди. Бироқ прецедент бир процессуал тамойилни ажратиб кўрсатади: якуний қарорнинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи ҳар қандай автоматлаштирилган оралиқ баҳолаш - масалан, мурожаатни автоматик тарзда “такрорий” ёки “устувор эмас” деб таснифлаш - шахснинг ҳуқуқий мақомига таъсир қилувчи ҳаракат сифатида баҳоланиши ва процессуал қафолатлар билан қамраб олиниши лозим. Айнан шу тамойил, ишнинг фактик доирасидан қатъи назар, мурожаатларни қайта ишлаш жараёнига функционал жиҳатдан татбиқ этилиши мумкин.

6.2. Шахсий маълумотларнинг оқиб чиқиши

Фишинг, кибершантаж ва ижтимоий инженерия усуллари шароитида мурожаатчи маълумотларининг оқиб чиқиши унга жиддий маънавий ва моддий зарар етказиши мумкин. Давлат маълумотлар базаларининг интеграциялашуви Ш. Зубофф [8] кўрсатган назорат функциясининг кучайиши хавфини туғдиради: алоҳида олинганда зарарсиз кўринган маълумотлар бирлаштирилганда шахс тўғрисида янги ҳулосалар чиқариш имконини беради [21]. Х. Ниссенбаумнинг контекстуал яхлитлик концепциясига кўра [7], бир контекстда - мурожаатни кўриб чиқиш мақсадида - йиғилган маълумотнинг бошқа контекстда ишлатилиши хусусийлик тамойилининг бузилиши ҳисобланади.

6.3. Кибер-таъқиб ва мурожаатчига хос хавф

Рақамли муҳитда фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш амалиёти анъанавий жисмоний форматдан тубдан фарқ қилувчи хавфлар тизимини, хусусан, мақсадли кибер-таъқиб (cyber-harassment) ҳодисасини юзага келтиради. Д.К. Ситрон [9] кибермуҳитдаги таъқибни шахснинг кадр-қиммати ва автономиясини емирувчи восита сифатида баҳолайди. Бизнингча, маъмурий мурожаатлар контекстида ушбу хавф ўзига хос институционал тус олади: бу ерда таъқиб шахснинг умумий виртуал фаоллиги учун эмас, балки айнан давлат органи ёки мансабдор шахс устидан шикоят қилганлик факти учун амалга оширилади.

Мурожаатчига хос рақамли таъқиб асосан икки шаклда намоён бўлади: доксинг (doxing - шахснинг реал манзили, телефон рақами ва оилавий аҳволига оид ёпиқ маълумотларни қасддан ошкор қилиш) ва киберсталкинг (cyberstalking - виртуал кузатиш ва тизимли босим ўтказиш). Маъмурий тизим операторлари ёки алгоритмик заифликлар туфайли мурожаатчи маълумотларининг учинчи шахсларга, жумладан устидан шикоят қилинган субъектларга сизиб чиқиши шахснинг реал ҳаёти ва хавфсизлигига бевосита таҳдид солади.

Юридик нуқтаи назардан, ушбу ҳолат мурожаат қилиш ҳуқуқи устида “совутувчи таъсир” (chilling effect) пайдо қилади [31]. Фуқаро давлат органига мурожаат қилиш орқали ўз шахсий маълумотларини хавф остига қўйишини англаб етган ҳолда, у конституциявий ҳуқуқини амалга оширишдан ўз-ўзини чеклайди (self-censorship). Бу эса нафақат фуқаронинг шахсий ҳуқуқларига, балки жамиятдаги демократик назорат ва қайта алоқа механизмига ҳам зарар етказиши мумкин [6].

Шу боис кибер-таъқибдан ҳимоя ахборот хавфсизлигининг соҳавий масаласи эмас, балки мурожаат қилиш ҳуқуқининг процессуал қафолатлари занжиридаги якунловчи бўғиндир: агар ҳуқуқни амалга ошириш шахс учун хавф манбаига айланса, ҳуқуқнинг ўзи амалда мазмунини йўқотади.

7. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

Белгиланган беш мезон бўйича тўртта юрисдикция таҳлил қилинди; натижалар 1-жадвалда умумлаштирилган. Қуйида ҳар бир модель алоҳида кўриб чиқилади.

Германия Федератив Республикаси назоратни қатъий норматив даражада, бевосита маъмурий-процессуал қонунчилик тизимига сингдириш моделини танлаган. Маъмурий процедура тўғрисидаги қонуннинг (VwVfG) 35а-моддаси [42] аниқ қонидани белгилайди: маъмурий акт тўлиқ автоматлаштирилган тизимлар томонидан фақат қонунда бунга рухсат берилган ҳолларда ва маъмурий орган на ихтиёрий дискрецияга (Ermessen), на баҳолаш эркинлигига (Beurteilungsspielraum) эга бўлмаган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин. Яъни баҳолаш талаб этиладиган барча жараёнларда инсон омили сақланиб қолади. Шу қонуннинг 39-моддасига кўра маъмурий акт фактик ва ҳуқуқий асосларини баён этиши шарт; ушбу мажбурият автоматлаштирилган тарзда қабул қилинган актларга ҳам ёйилади. Асослантириш талаби

алгоритмнинг ички мантиғини очишгача етиб борадими - бу масала герман доктринасида ҳозирча баҳслидир, бироқ актнинг фактик ва ҳуқуқий асослари ҳар қандай ҳолда кўрсатилиши лозим. Зарар етказилган тақдирда фуқаро GDPR 82-моддаси [32] бўйича талаб қўйиши мумкин; миллий даражада эса давлат жавобгарлигининг асоси Германия Фуқаролик кодексининг 839-параграфи ва Асосий қонуннинг 34-моддаси (Amtshaftung) ҳисобланади, маъмурий суд тартиби эса VwGO [43] билан белгиланади. Айтиш жоизки, GDPR 82(3)-моддаси жавобгарликдан озод бўлиш имконини назарда тутгани сабабли, бу жавобгарлик қатъий (strict) эмас, айб презумпциясига асосланган жавобгарликдир.

Эстония Республикаси институционал супер-режимлардан кўра, назоратни бевосита ҳуқуқ эгасига техник даражада топшириш моделининг энг муваффақиятли намунаси. Шахсга доир маълумотлар муҳофазаси тўғрисидаги қонун (Isikuandmete kaitse seadus) [45] умумий GDPR талабларини миллий рақамли архитектурага боғлайди. Давлат портали (eesti.ee) орқали тақдим этиладиган Andmejälgija (Data Tracker) хизмати [46] фуқарога давлат идоралари томонидан унинг шахсий маълумотларига қилинган ҳар бир сўровни, кириш вақти ва мақсадини кўриш имконини беради. Асоссиз кириш ҳолати аниқланганда фуқаро Маълумотлар ҳимояси инспекциясига (Andmekaitse Inspektsoon) мурожаат қилиши мумкин ва журналланган из шикоят бўйича текширув учун бевосита далил базасини ташкил этади. Ушбу ёндашувнинг қиймати шундаки, у назорат ресурсини кўпайтирмасдан туриб шаффофликни оширади - назорат функциясининг бир қисми ҳуқуқ эгасининг ўзига ўтказилади.

Жанубий Корея Республикаси алгоритмик ҳисобдорликни мажбурий қонунчилик даражасига кўтарган. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун (PIPA) 2023 йилги ислохотдан сўнг 37-2-модда билан тўлдирилди [44]: норма фуқарога тўлиқ автоматлаштирилган тизимлар томонидан қабул қилинган ва унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига жиддий таъсир кўрсатувчи қарорларни рад этиш (right to refuse) ҳамда улар юзасидан тушунтириш талаб қилиш ҳуқуқини беради. Корея моделининг кучи мустақил назорат органи - Шахсий маълумотлар ҳимояси комиссияси (PIPC) мақомидадир: комиссия хусусий сектор билан бир қаторда давлат органларининг маълумотлар билан ишлаш амалиётини ҳам текширув ва аудитдан ўтказиш ваколатига эга.

Сингапур Республикаси юқоридаги учта давлатдан фарқли ўлароқ, норматив-мажбурий чеклов ўрнига ихтиёрийлик ва мослашувчанлик тамойилини танлаган. Бу ерда битта муҳим институционал нозиклик мавжуд: Шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги умумий қонун (PDPA) [47] хусусий секторга қаратилган бўлиб, давлат органларининг фаолияти унинг қамровига кирмайди - оммавий сектор алоҳида тартибга солиш режимида амал қилади. Давлат бошқарувида алгоритмларни баҳолаш эса Model AI Governance Framework ва AI Verify воситалари [48] орқали, мажбурий тақиқларсиз, тавсиявий аудит ва техник стандартлар даражасида юритилади. Натижада фуқаро учун мажбурий кафолат шаклланмайди, зарарни қоплаш эса умумий фуқаролик-ҳуқуқий тартибда амалга оширилади, бу эса заиф томон ҳисобланмиш фуқаронинг исботлаш юқини енгиллаштирмайди.

Қиёсий таҳлил кўрсатадики, назорат воситасининг мажбурий эмаслиги унинг техник мукамаллигидан қатъи назар ҳуқуқий самарани йўққа чиқаради (Сингапур ҳолати), мажбурий норма эса мустақил назорат органи билан бирлашганда энг тўлиқ натижа беради (Германия ва Корея). Эстония ҳолати эса алоҳида аҳамиятга эга: у мустақил назорат ресурси чекланган шароитда ҳам назоратни ҳуқуқ эгасига техник даражада бериш орқали самарали ечим мумкинлигини кўрсатади.

Европа Иттифоқи даражасида кўриб чиқилган миллий режимлар устига қўшимча тартибга солиш қатлами жойлашади: алгоритмик тизимларга нисбатан талаблар Сунъий интеллект тўғрисидаги регламент [33] билан, ахборот тизимларининг барқарорлиги ва хавфсизлиги эса NIS2 директиваси [34] билан белгиланади. Ушбу қатлам Германия ва Эстония моделларини яқинлаштиради, бироқ фуқаро учун индивидуал назорат воситасини яратмайди - бу вазифа миллий даражада ҳал этилади.

1-жадвал. Автоматлаштирилган маъмурий қарор устидан ҳуқуқий назорат: тўрт юрисдикциянинг қиёси

Мезон	Германия	Эстония	Жанубий Корея	Сингапур
-------	----------	---------	---------------	----------

Автоматлаштирилган қарорни чекловчи норманинг ҳуқуқий кучи	Маъмурий процедура тўғрисидаги қонун, VwVfG § 35a — қатъий чеклов [42]	GDPR [32] ва миллий Isikuandmete kaitse seadus [45]	Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, PIPA, 37-2-модда [44]	Мажбурий норма мавжуд эмас; ихтиёрийлик тамойили [48]
Изоҳланувчанлик талабининг мажбурийлиги	Ҳа - маъмурий акт фактик ва ҳуқуқий асосларини баён этиши шарт (VwVfG § 39) [42]	Ҳа - ишлов мантиғи тўғрисида мазмунли ахборот (GDPR) [32]	Ҳа - фуқаро тушунтириш талаб қилишга ҳақли (PIPA, 37-2-модда) [44]	Йўқ - фақат тавсиявий характерга эга [48]
Фуқаронинг индивидуал назорат воситаси	Умумий GDPR ҳуқуқлари доирасида [32]	Andmeäljälja (Data Tracker) - идоравий сўровлар фуқарога кўринади [46]	Умумий PIPA ҳуқуқлари доирасида [44]	Мавжуд эмас
Нazorat органининг мустақиллиги ва аудит ваколати	Федерал маълумотлар ҳимояси комиссари (BfDI)	Маълумотлар ҳимояси инспекцияси (Andmekaitse Inspektsioon)	PIPC - мустақил; давлат органларини ҳам аудит қилади [44]	PDPC - аудит эмас, тавсия беради; PDPA давлат секторига қўлланилмайди [47]
Зарарни қоплаш механизми	GDPR 82-модда [32]; миллий даражада § 839 BGB ва Асосий қонун 34-модда; тартиб - VwGO [43]	GDPR 82-модда [32]	PIPA бўйича жарима ва товон [44]	Умумий фуқаролик-ҳуқуқий (деликт) тартиби

Танланган тўртта юрисдикциядан учтасининг (Германия, Эстония ва қисман Корея) GDPR ёки унга функционал яқин режимга таяниши методологик чеклов сифатида очиқ тан олиними лозим: Ўзбекистонда бундай супер-режим ҳам, мустақил маълумотларни ҳимоя қилиш агентлиги ҳам мавжуд эмас. Шу боис мазкур тадқиқотда функционал эквивалентлик тўғридан-тўғри трансплантацияни эмас, институционал муқобилларни излашни аниқлатади: мустақил агентлик бўлмаган шароитда алгоритмик ҳисобдорлик назорати маъмурий судлар ҳамда фуқарога техник даражада бериладиган индивидуал воситалар (Эстония модели) орқали компенсация қилиниши мумкин. Айнан шу сабабли Эстония ҳолати мазкур тадқиқот учун Германия ва Корея моделларидан кўра амалий жиҳатдан кўпроқ аҳамиятга эга.

8. Ўзбекистон қонунчилигидаги ҳуқуқий кафолатлар ва бўйлиқлар

Миллий даражада соҳавий қонунлар [35; 36] бир-биридан мустақил амал қилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-2-моддаси [38] ва Жиноят кодексининг 141-2-моддаси [39] шахсга доир маълумотлар соҳасидаги қонунбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди, бироқ улар рақамли муҳитда мурожаат этувчиларни мақсадли ҳимоя қилиш ва идоравий алгоритмларнинг хатоликлари учун давлат органининг жавобгарлиги тизимини қамраб

олмайди. Таҳлил натижасида мурожаатларни автоматлаштирилган қайта ишлашда бешта тизимли бўшлиқ аниқланди:

биринчидан, мурожаатларни қайта ишлашда автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан мурожаатчини бундай тизим қўлланилгани ҳақида хабардор қилиш мажбурияти қонун даражасида белгиланмаган;

иккинчидан, автоматлаштирилган оралиқ баҳолашлар (саралаш, устуворлик даражасини белгилаш, такрорий деб таснифлаш, идорага йўналтириш) устидан шикоят қилишнинг соддалаштирилган маъмурий-процессуал механизми мавжуд эмас;

учинчидан, автоматлаштирилган баҳо ёки қарорнинг асосларини тушунтириб бериш — изоҳланувчанлик — мажбурияти қонунчиликда мустаҳкамланмаган, шу боис мурожаатчи эътироз билдириш учун зарур бўлган ахборотга эга бўлмайди;

тўртинчидан, алгоритмнинг техник хатоси ёки тизим заифлиги туфайли маълумотлар ошкор бўлганда исботлаш юки фуқаронинг зиммасида қолмоқда, ҳолбуки тизимнинг ички ҳолати тўғрисидаги далиллар фақат давлат органида жамланган;

бешинчидан, қонунчиликда мурожаат қилганлик факти учун шахсга нисбатан рақамли босим ўтказиш - кибер-таъкиб (доксинг, киберсталкинг) - тушунчаси ва унинг махсус ҳукукий квалификацияси мавжуд эмас.

Ушбу бешта бўшлиқ бир-биридан мустақил эмас: улар мурожаатнинг қабул қилинишидан то зарарнинг қопланишигача бўлган занжирнинг кетма-кет бўғинларида жойлашган, шу боис уларни алоҳида-алоҳида эмас, яхлит модель доирасида бартараф этиш зарур.

9. Мурожаатчиларнинг рақамли процессуал хавфсизлиги модели

Юқорида ўтказилган таҳлил асосида мурожаатчиларнинг рақамли процессуал хавфсизлигини таъминловчи тўрт босқичли комплекс ҳукукий модель таклиф этилади. Модель узлуксиз занжир сифатида қурилган: ҳар бир босқич бузилишнинг муайян нуқтасига жавоб беради ва ўзининг ҳукукий мажбурияти ҳамда институционал лангарига эга.

I. Профилактик кафолатлар. Ахборот тизимини лойиҳалаш босқичидаёқ шахсга доир маълумотлар муҳофазаси архитектура даражасида таъминланиши лозим (privacy by design). Д.К. Ситроннинг технологик адолатли муҳокама концепциясидан [2] келиб чиқиб, анъанавий процессуал ҳуқуқлар алгоритм ишга туширилгандан кейин эмас, унинг техник архитектурасида олдиндан мустаҳкамланиши шарт. Амалий жиҳатдан бу давлат органлари мурожаатларни қайта ишловчи ҳар қандай алгоритмни жорий этишдан олдин алгоритмик таъсирни баҳолашдан (algorithmic impact assessment) ўтказишни, яъни тизимнинг эҳтимолий хатоликлари ва дискриминация хавфларини ex ante аниқлашни англатади.

II. Процессуал кафолатлар ва инсон назорати. Автоматлаштирилган тизим томонидан шакллантирилган ҳар қандай оралиқ ёки якуний баҳога нисбатан мурожаатчи инсон иштирокида қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Бироқ инсон назоратининг ўзи етарли кафолат эмас: Б. Грин [37] мансабдор шахснинг алгоритм ҳулосасига танқидсиз ишониб қолиши (automation bias) туфайли расмий “инсон иштироки” талабининг амалда шаклий бўлиб қолишини кўрсатади. Шу боис агар мансабдор шахс алгоритм натижасини ўз кучида қолдирса, у қарор асосларини ёзма равишда мустақил баён қилишга мажбур этилиши лозим. Ушбу мажбурият китъа маъмурий ҳуқуқидаги асослантириш тамойилининг (VwVfG § 39 [42]) рақамли муҳитдаги ифодаси бўлиб, айти пайтда изоҳланувчанлик кафолатини ҳам амалда таъминлайди.

III. Техник киберҳимоя ва журналлаштириш. Эстониянинг Andmeälgija тажрибаси [46] асосида ЯИДХП (my.gov.uz) платформасида фуқарога ўз маълумотлари устидан индивидуал назорат воситаси берилиши мақсадга мувофиқ. Давлат тизимида мурожаатчининг маълумотларига қилинган ҳар бир идоравий сўров - кириш вақти, сўров субъекти ва маъмурий иш доираси кўрсатилган ҳолда - ўзгартириб бўлмайдиган тарзда журналланиши, фуқаро эса ушбу журнални кўра олиши лозим. Бундай ечимнинг институционал киймати шундаки, у мустақил назорат органи ресурсини кўпайтирмасдан туриб шаффофликни оширади: назорат функциясининг бир қисми ҳуқуқ эгасининг ўзига ўтади. Маълумотлар базаларининг интеграциялашуви шароитида бу восита айниқса зарур, зеро алоҳида зарарсиз кўринган маълумотлар бирлашганда шахсни профиллаштириш имконини беради [21; 7].

IV. Реституцион кафолатлар ва исботлаш юкининг тақсимланиши. Алгоритмнинг техник хатоси ёки тизим заифлиги туфайли мурожаатчининг маълумотлари ошкор бўлганда ёки у кибер-таъқибга дучор бўлганда, зарарни қоплаш жараёнида исботлаш юки фуқародан давлат органига ўтказилиши лозим. Бунинг асоси процессуал адолат мулоҳазасидир: тизимнинг ички ҳолати, кириш журналлари ва алгоритм иш мантиғи тўғрисидаги далиллар фақат давлат органида жамланган бўлиб, фуқаро уларга объектив равишда эга бўла олмайди. Шу боис давлат органи тизимнинг соз ишлаганини ва ўз айби йўқлигини исботлай олмаган тақдирда, зарар давлат томонидан қопланиши керак. Ушбу ечим GDPR 82-моддасида [32] қабул қилинган ёндашувга функционал жihatдан яқин туради.

10. Хулоса ва таклифлар

Мурожаатларни автоматлаштирилган қайта ишлаш шароитида шахсий маълумотлар хавфсизлиги ва изоҳланувчанлик кафолатлари мурожаат қилиш ҳуқуқининг ташқи шартлари эмас, балки унинг ажралмас таркибий унсурлари сифатида қаралиши лозим.

Таклиф этилаётган моделнинг қўллаш чегарасини очиқ белгилаш зарур. У рақамли идентификация инфратузилмаси марказлашган (OneID тизими каби) ва маъмурий қарор устидан мустақил суд назорати амал қиладиган тизимларда қутилган самарани беради. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланмаган ёки рақамли узилиш (digital divide) даражаси юқори бўлган жамиятларда модель ўз функциясини бажармайди: биринчи ҳолда реституцион босқич, иккинчи ҳолда фуқарога бериладиган индивидуал назорат воситаси ишламай қолади. Ушбу шартларнинг бажарилмаслиги моделни рад этувчи мезон вазифасини ўтайди.

10.1. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар

Таклиф 1. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунни қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“*N-модда. Мурожаатларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш* Мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, тақсимлаш ва кўриб чиқиш жараёнида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланилиши мумкин. Мурожаатчи мурожаати бўйича автоматлаштирилган тарзда шакллантирилган баҳо ёки қарор қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилиниши шарт. Ушбу талаб мурожаатнинг устуворлик даражасини белгилаш, уни муайян давлат органига йўналтириш ва такрорий деб таснифлаш каби оралиқ баҳолашларга нисбатан ҳам қўлланилади. Мурожаатчининг талабига биноан унга автоматлаштирилган баҳо ёки қарорнинг асослари тушунтирилиши шарт. Тушунтириш мурожаатчига натижага олиб келган асосий омилларни ва натижа ўзгариши мумкин бўлган шартларни англаш имконини берадиган ҳажмда берилади. Мурожаатчи автоматлаштирилган тарзда қабул қилинган қарорнинг мансабдор шахс томонидан қайта кўриб чиқирилиши талаб қилишга ҳақли. Ушбу талаб бўйича қарор мансабдор шахс томонидан мустақил равишда қабул қилинади ва ёзма равишда асослантйрилади. Мурожаатчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатувчи якуний қарор фақат автоматлаштирилган қайта ишлаш асосида қабул қилиниши мумкин эмас. Автоматлаштирилган қайта ишлашга оид барча операциялар, шу жумладан мурожаатчининг маълумотларига кириш ҳоллари, журналлаштирилиши шарт. Мурожаатчи ўз маълумотларига ким, қачон ва қандай мақсадда кирганлиги тўғрисидаги маълумотни олишга ҳақли”.

Таклиф 2. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунда давлат органлари тизимларида алгоритмик зарарни қоплашда исботлаш юкини давлат органига юклаш тартиби белгилансин.

Таклиф 3. Қонунчиликка кибер-таъқиб тушунчасининг шахснинг ҳуқуқий фаоллиги ва мурожаат қилганлиги учун рақамли босим ўтказиш сифатидаги мақсадли таърифи киритилсин.

Таклиф 4. Эстония тажрибаси асосида мавжуд ЯИДХП инфратузилмасида фуқарога ўз маълумотларига идоралар томонидан қилинган сўровларни реал вақт режиминда кузатиш имконини берувчи техник хизмат жорий этилсин.

10.2. Тадқиқотнинг чекловлари ва келгуси йўналишлар

Тадқиқот норматив даражада чекланган бўлиб, келгуси устувор йўналишлар сифатида таклиф этилаётган моделнинг пилот лойиҳа сифатида татбиқ этилиши ва унинг самарадорлигини миқдорий ўлчаш ҳисобланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Calo R. Artificial Intelligence Policy: A Primer and Roadmap // UC Davis Law Review. — 2017. — Vol. 51, No. 2. — P. 399–435.
2. Citron D.K. Technological Due Process // Washington University Law Review. — 2008. — Vol. 85, No. 6. — P. 1249–1313.
3. Crawford K., Schultz J. Big Data and Due Process: Toward a Framework to Redress Predictive Privacy Harms // Boston College Law Review. — 2014. — Vol. 55, No. 1. — P. 93–128.
4. Pasquale F. The Black Box Society: The Secret Algorithms That Control Money and Information. — Cambridge, MA: Harvard University Press, 2015. — 320 p.
5. Cohen J.E. Configuring the Networked Self: Law, Code, and the Play of Everyday Practice. — New Haven: Yale University Press, 2012. — 336 p.
6. Richards N.M. Intellectual Privacy: Rethinking Civil Liberties in the Digital Age. — Oxford: Oxford University Press, 2015. — 256 p.
7. Nissenbaum H. Privacy in Context: Technology, Policy, and the Integrity of Social Life. — Stanford: Stanford University Press, 2010. — 380 p.
8. Zuboff S. The Age of Surveillance Capitalism: The Fight for a Human Future at the New Frontier of Power. — New York: PublicAffairs, 2019. — 704 p.
9. Citron D.K. Hate Crimes in Cyberspace. — Cambridge, MA: Harvard University Press, 2014. — 352 p.
10. Rechtbank Den Haag. NJCM c.s. / De Staat der Nederlanden (SyRI), ECLI:NL:RBDHA:2020:865, 5 February 2020 (English translation: ECLI:NL:RBDHA:2020:1878).
11. Barak A. Human Dignity: The Constitutional Value and the Constitutional Right. — Cambridge: Cambridge University Press, 2015. — 360 p.
12. Талапина Э.В. Обработка данных при помощи искусственного интеллекта и риски дискриминации // Труды Института государства и права РАН. — 2021. — Т. 16, № 4. — С. 45–68.
13. Yeung K. Algorithmic Regulation: A Critical Interrogation // Regulation & Governance. — 2018. — Vol. 12, No. 4. — P. 505–523. DOI: 10.1111/rego.12158.
14. Lessig L. Code: Version 2.0. — New York: Basic Books, 2006. — 410 p.
15. Талапина Э.В. Прозрачность алгоритмов искусственного интеллекта // Право. Журнал Высшей школы экономики. — 2025. — Т. 18, № 3. — С. 4–27. DOI: 10.17323/2072-8166.2025.3.4.27.
16. Ananny M., Crawford K. Seeing Without Knowing: Limitations of the Transparency Ideal and Its Application to Algorithmic Accountability // New Media & Society. — 2018. — Vol. 20, No. 3. — P. 973–989.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрелдаги янги тахрир) // lex.uz.
18. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ: дарслик. — Тошкент: «Адолат», 2022. — 340 б.
19. Ғафуров А.Б. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини рақамлаштириш — одил судлов ва шаффофлик таъминланишининг муҳим шартини // «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналин. — 2023. — № 4 (100). — Б. 88–97.
20. Ғофуров А.Д. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуқуқмат. — Тошкент: ТДЮУ, 2021. — 312 б.
21. Mayer-Schönberger V., Cukier K. Big Data: A Revolution That Will Transform How We Live, Work, and Think. — Boston: Houghton Mifflin Harcourt, 2013. — 242 p.
22. Universal Declaration of Human Rights. UN General Assembly, 10 December 1948, Art. 12.
23. International Covenant on Civil and Political Rights. UN General Assembly, 16 December 1966, Art. 17.
24. UN General Assembly. The right to privacy in the digital age. Resolution A/RES/68/167, 18 December 2013.
25. UN General Assembly. The right to privacy in the digital age. Resolution A/RES/69/166, 18 December 2014.
26. Council of Europe. Protocol amending the Convention for the Protection of Individuals with regard to Automatic Processing of Personal Data (Convention 108+), CETS No. 223, 2018.
27. OECD. Guidelines Governing the Protection of Privacy and Transborder Flows of Personal Data, 1980 (rev. 2013).

28. Wachter S., Mittelstadt B., Russell C. Counterfactual Explanations Without Opening the Black Box: Automated Decisions and the GDPR // *Harvard Journal of Law & Technology*. — 2018. — Vol. 31, No. 2. — P. 841–887.
29. Selbst A.D., Powles J. Meaningful Information and the Right to Explanation // *International Data Privacy Law*. — 2017. — Vol. 7, No. 4. — P. 233–242.
30. Court of Justice of the European Union. Case C-634/21, OQ v Land Hessen (SCHUFA Holding AG), Judgment of 7 December 2023, ECLI:EU:C:2023:957.
31. Penney J.W. Chilling Effects: Online Surveillance and Wikipedia Use // *Berkeley Technology Law Journal*. — 2016. — Vol. 31, No. 1. — P. 117–182.
32. Regulation (EU) 2016/679 (General Data Protection Regulation), Arts. 13–15, 22, 25, 32, 82.
33. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council (Artificial Intelligence Act).
34. Directive (EU) 2022/2555 of the European Parliament and of the Council (NIS2 Directive).
35. Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» ги Қонуни, ЎРҚ-547-сон, 02.07.2019 // lex.uz/docs/4396419.
36. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» ги Қонуни, ЎРҚ-764-сон, 15.04.2022 // lex.uz/docs/5960604.
37. Green B. The Flaws of Policies Requiring Human Oversight of Government Algorithms // *Computer Law & Security Review*. — 2022. — Vol. 45. — Art. 105681.
38. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz.
39. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz.
40. Celeste E. Digital Constitutionalism: A New Systematic Theorisation // *International Review of Law, Computers & Technology*. — 2019. — Vol. 33, No. 1. — P. 76–99. DOI: 10.1080/13600869.2019.1562604.
41. De Gregorio G. Digital Constitutionalism in Europe: Reframing Rights and Powers in the Algorithmic Society. Cambridge Studies in European Law and Policy. — Cambridge: Cambridge University Press, 2022.
42. Verwaltungsverfahrensgesetz (VwVfG) in der Fassung der Bekanntmachung vom 23. Januar 2003 (BGBl. I S. 102), §§ 35a, 39.
43. Verwaltungsgerichtsordnung (VwGO) in der Fassung der Bekanntmachung vom 19. März 1991 (BGBl. I S. 686).
44. Personal Information Protection Act of the Republic of Korea (Act No. 10465 of 29 March 2011, as amended by Act No. 19234 of 14 March 2023), Art. 37-2 // Personal Information Protection Commission (PIPC).
45. Isikuandmete kaitse seadus [Personal Data Protection Act] // Riigi Teataja, Eesti Vabariik, 2019.
46. Andmejälgija (Data Tracker) — riigiportaal.eesti.ee // Republic of Estonia, State Portal.
47. Personal Data Protection Act 2012 (No. 26 of 2012) // Republic of Singapore.
48. Model Artificial Intelligence Governance Framework (Second Edition, 2020); AI Verify // Personal Data Protection Commission (PDPC), Singapore.
49. Commonwealth of Australia. Royal Commission into the Robodebt Scheme. Final Report. — Canberra, July 2023.
50. Tweede Kamer der Staten-Generaal. Ongekend onrecht: Verslag Parlementaire ondervragingscommissie Kinderopvangtoeslag. — Den Haag, 2020.